

Мусулмон туризми тобора ривож топмоқда



11:01 / 24.10.2018 2052

Сингапурнинг Web In Travel нашри жаҳондаги ҳалол туризм тўғрисида қизиқарли фактлар ва статистик маълумотларни чоп этди.

Pew Research Centre маълумотларига кўра, 2060 йилга келиб 3 миллиард инсон ўзини мусулмон деб ҳисоблай бошлайди ва бу Ер юзидаги ҳар учдан бир кишини ташкил этади.

Global Economic Impact Of Muslim Tourism And Future Growth Projection: 2017-2020 («Мусулмон туризмнинг глобал иқтисодий таъсири ва унинг келгуси ўсишининг истиқболлари: 2017-2020 йй.») деб номланган тадқиқот натижаларига кўра, мусулмон туризмнинг глобал иқтисодий даражаси 32 фоиздан 70 фоизгача ўсади.

Мусулмон туризми соҳасида энг катта улуш Осиё мамлакатларига тегишли. 2020 йилга бориб уларнинг жами харажатлари \$29,6 миллиардни ташкил этади. Бунда энг фаол сайёҳлар Индонезия, Хитой ва Малайзия мусулмонлари саналади. Уларнинг харажатлари мусулмон мамлакатлари орасида туризм соҳасидаги харажатларнинг умумий ҳажмидан 17 фоизни ташкил этади. Бу барча Европа мамлакатлари биргаликда сарф қиладиган маблағ билан тенгдир.

Яна бир қизиқ факт: жаҳон бозори мусулмон туризмнинг 80 фоизи 19 та мамлакатга тўғри келади. Бу фақат мусулмон минтақаларигина тегишли эмас. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, мусулмонлар кўпроқ ташриф буюрадиган мамлакатларнинг ИЯМ даражаси сезиларли ошган ва у ерда кўплаб янги иш жойлари пайдо бўлган.

Ўтган йили мусулмон туризми туфайли ушбу мамлакатларнинг ЯИМ суммаси 148 миллиард АҚШ долларини, бу соҳадаги аҳолининг бандлиги эса 4,7 млн кишини ташкил этди. Тахминларга кўра, 2020 йилда мазкур кўрсаткич 183 миллиардгача ўсади ва 5,6 млн киши ҳалол туризм саноатига жалб этилади. Қизиғи, АҚШда мусулмон туризми соҳасида 300 000 киши банд бўлиб, ушбу соҳанинг жами даромади 43 миллиард АҚШ долларини ташкил этмоқда.

Islom.uz портали таҳририяти